

кишларини доимий равишда бўлишини таъминлаш;

- педагог ва талабанинг ҳамisha ҳамкорликдаги фаолиятини шаклланиши;

- талабада ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, маъсуллатни сезиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолияти бошланишида “Портфолио” муҳим роль ўйнайди. “Портфолио” италян тилидан таржима қилганда “ҳужжатлар йиғма жилди, мутахассис йиғма жилди” – деган маънони беради. Портфолио бу асосан, талабанинг ўз имкониятларини намойиш қилиш учун мўлжалланган ишлар тўплами бўлиб, унинг асосий мазмуни – талабага барча имкониятлардан фойдаланиш, унинг касбий ва ақлий ўсишига қўмаклашишидан иборат.

Портфолионинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, биринчи тури – талабанинг эришган натижалари портфолиоси. У уч қисмдан иборат бўлиши мумкин:

1. Ҳужжатлар қисмига – ўқишдаги ва иш жараёнидаги шахсий ютуқлари киради (ёрлик, диплом, сертификат, гувоҳномалар). Бу талабанинг эришган натижаларга баҳо бериш имкониятини яратади.

2. Ишлар қисми – бу талабанинг ижодий, тадқиқот ва лойиҳа ишларининг тўплами, унинг ўқув ва ижодий фаолияти йўналишлари ифодаланади.

3. Баждарилган ишлар тўғрисида фикрлар қисми – бу талабанинг турли фаолиятга бўлган муносабатининг ёзма таҳлили (тест хулосалари, тақризлар, резюме ва бошқалар) йиғиб борилади [8:64].

Портфолионинг иккинчи тури – рефлексив портфолио бўлиб, у талабанинг касбий ривожланиши динамикасини ўзида жамлайди. Унда талабанинг ўз ишига

берган баҳоси ва ўқув ишларининг натижалари, жараёни ва мақсадлари таҳлиллари ўрин олади.

Портфолионинг учинчи тури – муаммолар портфолиоси. Унда маълум бир муаммони ечиш мақсадида тўпланган маълумотлар, муаммони ечиш жараёни ва натижалари йиғиб борилади. Бундай портфолиода маълумотларни қуйидаги йўналишлар бўйича йиғиб бориш тавсия этилади:

- муаммони ўрганиш учун адабиётлар рўйхати;
- кичик мавзулар, муаммо қўламини, тадқиқот режаси;
- муҳокамадаги нуқтаи назарлар;
- ҳаволалар, афоризмлар;
- бошқа фанлар доирасидаги интеграция;
- тадқиқот натижалари асосида хулоса ва тавсиялар;
- тадқиқот усуллари;
- башоратлар ва бошқалар.

Бундай портфолиоларга материал йиғиш ва уни тизимга келтириш талабага нафақат ишни старли даражада бажаришга имконият беради, балки уларнинг қизиқишларини илмий даражага кўтарди.

Портфолионинг тўртинчи тури – мавзувий, бирорта катта мавзунинг ўрганиш жараёнида яратилади. Бундай портфолиода асосан ўрганилаётган мавзу бўйича қўшимча адабиётлардан олинган маълумотлар, қўшимча манбалар, мавзуга оид муаммолар вазиятлар яратиш учун тўпланган маълумотлар ўрин олади [3:89].

Хулоса қилиб айтганда, ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи педагогик технологиялар талабаларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, изланишга илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, рақобатбардош етук мутахассис бўлишларида ҳамда касбий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Ҳавсизликка таҳдид шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон». 1997.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т.: “Маънавият”, 2017, 322-б.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2006. 159-б.
4. Бакулин П.И., Кононович Э.В., Мороз В.И. Курс общей астрономии. –М.: «Наука», 1977, -С. 544.
5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогических технологий. –Москва: «Педагогика», 1989, -С. 6.
6. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: Педагогика-Пресс, 1999, -С. 536.
7. Гомулина Н.Н.. Применение новых информационных и телекоммуникационных технологий в школьном физическом и астрономическом образовании. Дис. ... канд. пед. наук. –М.: МПГУ, 2003, -С. 332.
8. Карлыбаева Г.Е., Матжанов Н.С. Мектеп физика курсида «портфолио-папка»ларини жаратыў ҳаққида. –Н.: //” Ilm hám jámiyet”, № 1, 2014, 63–65-б.
9. Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. –Москва: Изд-во МГУ, 1984, -С. 13.
10. Tolipov O., Ro'ziyeva D. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. –Т.: «Innovatsiya-Ziyo», 2019, 10-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола астрономия курсини ўқитиш жараёнида назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида амалий машғулотларда педагогик технологиялардан фойдаланиб, талабаларнинг ижодкорлик ва билим фаоллигини ошириш муаммоларига бағишланган. Бундай технологиялар талабалар томонидан осон қабул қилинади, чунки у талабалар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутди, фаол ижодий изланиш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы повышения творческой и познавательной активности студентов с использованием педагогических технологий на практических занятиях по укреплению теоретических знаний в преподавании астрономии. Такие технологии легко усваиваются студентами, так как они предполагают использование студенческого опыта, обладают потенциалом для активных творческих исследований и мыслительных экспериментов.

SUMMARY

The article discusses the issues of increasing the creative and cognitive activity of students using pedagogical technologies in practical lessons to strengthen theoretical knowledge in teaching astronomy. Such technologies are easily absorbed by students, as they involve the use of student experience, have the potential for active creative research and thinking experiments.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Р.Х.Ходиев - катта ўқитувчи

Б.Ж.Сандбоев - ўқитувчи

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

Таянч сўзлар: ҳарбий, таълим, тарбия, баркамол инсон, ботирилик, жасурилик, жисмоний маданият, ҳарбий санъат, жасорат.

Ключевые слова: военный, образование, воспитание, совершенный человек, смелость, физическая культура, военное искусство, мужество.

Key words: military, education, upbringing mature human, courage, physical culture, military art, bravery.

Маълумки, сўнгги йилларда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотлар нафақат ҳарбий

хизмачиларнинг, қолаверса, ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ҳам бу борадаги билимларини

оширишга, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Бинобарин, ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялашда ҳарбий хизматчининг педагогик ва касбий маданиятини шакллантириш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Аввало, ҳарбий хизматчининг ўзида касбий маданият шаклланган бўлиши лозим.

Ҳарбий хизматчи касбий маданиятининг шаклланиши ўзининг моҳиятига кўра, бир қанча босқичларни босиб ўтади, яъни биринчи босқич курсантлик даврида, иккинчи босқич касбий фаолиятида (амалиётда хизмат қилиб юрган вақтида), учинчи босқич малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида ҳамда ўз устида мустақил ишлаш вақтларида. Ҳарбий хизматчи касбий фаолиятининг шаклланганлиги уларнинг касбий жиҳатдан етуқлигининг мезонларидан бири ҳисобланади. Касбий маданияти шаклланган офицерларнинг ҳатти-ҳаракатида фаоллик, ҳарбий жамоада ижобий муҳитни шакллантиради.

Ҳарбий хизматчи ўзининг касбий маданиятини шакллантириши учун барча имкониятларга эга бўлади. Педагогик маданият касбий маданиятнинг бир бўлаги бўлиб ҳисобланади. Педагогик маданият ўзининг моҳиятига кўра, ҳарбий-педагогик жараён ҳисобланади. Ҳарбий хизматчининг касбий маданиятини шакллантириш ўта қийин ва узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Ҳарбий хизматчининг касбий маданияти касбий фикрлаши, нутқ маданияти, хизмат жойидаги маданияти, педагогик сезгиси, муомала маданияти, касбий, ахлоқий (этика) маданияти, ташқи кўриниш маданияти, педагогик маҳорати каби омиллар билан белгиланади. Ҳарбий хизматчи малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида турли тарбия усуллари ҳақида маълумотларга эга бўлиб боради, турли тарбия усуллари уйин шаклидан фойдаланиб касбий маҳоратини ошириб боради.

Офицер шахснинг педагогик маданияти энг аввало, у тарбия тошган, шаклланган муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ айниқса, офицернинг феъл-атвори, темпераменти, қобилияти педагогик маданиятини белгилайдиган мезонлардан бири ҳисобланади.

Ҳарбий хизмат – бу инсон фаолиятининг бир тури ҳисобланади ва ушбу фаолият доимо зўриқиш (жисмоний), хавф-хатар билан боғлиқдир. Айниқса, фавқулодда вазиятларда инсон тақдири, унинг ҳаётига бўлган хавф масалалари биринчи ўринга чиқиб олади. Офицер фавқулодда вазиятларда ўзини йўқотмаслик, қўл остидагиларни бошқариш, ваҳимага тушмаслиги учун ўқиш ва тарбияланиш жараёнида яхши психологик-педагогик билимларга эга бўлиши лозим. Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида инновацион технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, электрон тир, ҳарбий техникаларни мультимедия воситалари орқали ўрганиш, керак бўлган вақтларда албатта ҳақиқий жанговар техника ва қурол-яроғлардан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради. Офицернинг педагогик маданиятини шакллантиришда бевосита уларнинг ҳарбий хизматчиларни воқеа-ҳодисаларга педагогик нуқтаи назардан ишонтира олиш қобилияти ҳам муҳим ҳисобланади. Касбий маданияти шаклланган офицерда “аскарни тинглай олиш” қобилияти бўлиши керак дейди, буюк қўмондон К.К.Рокосовский [4:367]. Офицердаги педагогик маданиятнинг шаклланганлигини кўрсатадиган омиллардан бир нечтасини санаб ўтишимиз мумкин: яхшилик (ёрдам) қилиш, қулатувчанлик, тўғри талаб қила олиш, зиёилик ва ҳ.к.

Ҳарбий-педагогик маданиятнинг шаклланганлигини кўрсатадиган энг асосий восита бу тил, муомала ҳисобланади. Муомалани тартибга солувчи тил бўлса,

муомаланинг ўзи умумҳарбий низомларга асосланади. Офицернинг муомала объекти қўл остидаги ҳарбий хизматчилар ва ўзидан юқори турувчи қўмондонлик ҳисобланади. Уларнинг муомаласида субординация муҳим роль ўйнайди. “Субординация” лотинча сўз бўлиб, паст лавозимдаги шахснинг ҳарбий интизомга риоя қилган ҳолда бўйсунилишини англатади [1:58].

Ҳарбий хизмат амалиёти шуни кўрсатадики, фақат умумҳарбий низомларга амал қилиш муомалага расмий тус беради.

Офицернинг педагогик маданияти бевосита касбий ахлоқий (этика) маданияти билан боғлиқдир. *Касбий-ахлоқий маданияти* деганда ахлоқий онг, ахлоқий сезгиларнинг умумлашган бир йўлдаги ҳаракати тушунилади. Касбий-ахлоқий маданиятнинг асосида ахлоқ меъёрлари, тамойиллари, айниқса ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомлар талабларига катъий риоя қилиш ётибди. Юқори касбий-ахлоқий маданиятга эга бўлган офицерларда ҳарбий либос (мундир)га ҳурмат энг асосий омиллардан ҳисобланади. Айниқса, сўз билан ишнинг бирлигига риоя қилиш, интизомлилик, ташкилотчилик, ҳалоллик, ўрнатилган даражадаги ахлоқи, компьютер саводхонлиги, тил билиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Офицернинг хизмат жойидаги умумий маданияти ҳам энг зарур сифатлардан ҳисобланади. Масалан, хизмат ва кун тартибини тўғри ташкил эта олиши, ҳужжатлар билан ишлай билиши, бадий адабиётларни ўқиб бориши ва ўз устида ишлаш қобилияти ва ҳ.к.

Офицернинг педагогик маҳорати – бу умумий педагогик маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Педагогик маҳоратга ҳарбий педагог А.В.Барабанщиков шундай таъриф берган. “Педагогик маҳорат - бу психологик ва педагогик фикрлашнинг синтези, педагогик билимлар тизими, кўникма, ҳиссий-иродавий сифатлар бўлиб, бу педагогга ўқув-тарбиявий вазифаларни самарали ечишга ёрдам беради” [1:58].

Ҳарбий-педагогик маҳорати шаклланган офицерда мустақил фикрлаш, мустақил фаолият олиб бориш, муаммоларни тезкор ҳал қилиш кўникмаларига эга бўлади. Офицерда яна бир хислат бўлиши керакки, бу ҳарбий-педагогик кўтаринкиликка (оптимизмга) эга бўлиш. Бу дегани офицер ҳарбий-педагог сифатида ўзининг қобилиятига, билимига, имкониятларига ишониш орқали тарбияланаётган ҳарбий хизматчиларда юқори натижаларга эришиш сифатларини шакллантиришдир.

Педагогик маҳорат офицернинг обрўси билан ҳам бевосита боғлиқдир. Ўз вақтида, буюк педагог А.С.Макаренко “Агар тарбиячи, обрўга эга бўлмаса, у педагог бўлишга ҳақли эмас”, деган эди [3:269].

Педагогик маданиятга эга бўлиш ёки педагогик маданиятли офицер бўлиш ўта қийин, шу билан бирга, бу узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Жараён деб айтишимиздан мақсад, аввало бундай маданиятга эришиш учун офицерлар бир қанча босқичларни босиб ўтишлари лозим. Педагогик маданиятнинг шаклланиши мактабда “Ҳарбий тайёргарлик” фанини ўқитиш вақтида бошланса, ҳарбий хизматни ўташ ва олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш вақтида давом эттирилиб, аста-секин шаклланиб боради. Баъзи офицерларда эса, педагогик маданиятнинг элементлари шаклланади ҳолос. Педагогик маданиятнинг элементлари деганда нималарни тушунишимиз мумкин. Биринчидан, касбга бўлган ҳурмат, касбга бўлган муносабат, касбни ардоқлаш, касб орқали ватанпарварлик руҳининг шаклланиши. Бу элементлар педагогикада алоҳида ўрганилиши лозим булган муаммолар ҳисобланади. Педагогик техника - бу касбий маданиятнинг бир йўналиши ҳисобланади. Педагогик техникага эга бўлган офицер ҳар бир ҳарбий хизматчининг онига яқка тарзда таъсир этиш, улар

билан суҳбатлаша олиш қобилиятига эга шахслар ҳисобланади. Ҳарбий педагогика фан сифатида ушбу элементларнинг барчасини қамраб олади ва бир мақсад йўлида хизмат қилади деб тушунтиради. Ушбу йўл офицер шахсининг тарбиячи, раҳбар сифатида шакллантиришга қаратилганлигидир. Офицернинг касбий маданиятига бағишланган давлат тилидаги адабиётлар унча ҳам кўп эмас.

“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерларининг педагогик маҳорати ва маданияти, - дейди Ч.Р.Насриддинов, - ўзининг ўқув-услубий қўлланмасида. Ч.Р.Насриддинов офицернинг педагогик маданиятини ташкил қилувчиларга қуйидагиларни киритган:

- а) сиёсий етуклик;
- б) ҳарбий ишни билиш;
- в) умумий маданият;
- г) юксак ахлоқийлик;
- д) педагогик маҳорат;
- е) ўз устида ишлаш.

Офицернинг педагогик маданиятини ошириш йўллари:

- 1) ўзининг ғоявий-сиёсий тайёргарлигини мунтазам равишда ошириб бориш;
- 2) ҳарбий билимларни ривожлантириш;
- 3) психология, педагогика соҳасидаги билимларни ошириш;
- 4) ҳарбий ахлоқ меъёрларига қатъий амал қилиш;
- 5) ўз устида ишлаш ва ўзини ўзи тарбиялаш;
- 6) педагогик маҳоратни ошириш.

Бизнингча, Ч.Р.Насриддиновнинг фикрини ривожлантириб “Офицернинг педагогик маданияти – бу кенг тушунча бўлиб, махсус ташкил этиладиган, бир мақсад йулига қаратилган комплекс чора-тадбирлар ва билимлар ёрдамида амалга ошириладиган педагогик-психологик жараён ҳисобланади”, офицернинг маданиятининг шаклланиши нафақат офицернинг ўзига, шунингдек, уни ўраб турган муҳитга, жамоага кўп жиҳатдан бевосита ва билвосита боғлиқ десак, хато бўлмайди.

Педагогик маданиятга эга бўлган офицер бу жамят учун, ҳарбий хизматчилар жамоаси, айниқса, курсантлар учун намунали шахс ҳисобланади. Педагогик маданиятнинг шаклланиши энг аввало, нафақат ҳарбий-назарий билимларни талаб қилади, шунингдек амалий тажриба ва кўникмаларга ҳам боғлиқ бўлади.

Офицернинг педагогик маданиятини шаклланишида нафақат касбдошлари, кўмондонлик, ҳарбий хизматчиларнинг бевосита ёрдами зарур. Шунингдек,

Адабиётлар

1. Барабанщиков А.В. Военная педагогика и психология. -М.: Воен. изд-во, 1986, -С. 239.
2. Булатов В.Н. Военная система. -М.: «Сервер», 2011, -С. 111.
3. Макаренко А.С. Педагогические сочинения в восьми томах. Т.1. Педагогические работы 1922-1936. -М.: “Педагогика”, 1986.
4. Рокоссовский К.К. Солдатский долг. 5-е изд. -М.: «Воениздат», 1988, -С. 367.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялашда ҳарбий хизматчининг педагогик ва касбий маданиятини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, ҳарбий хизматчининг касбий фикрлаши, нутқ маданияти, хизмат жойидаги маданияти, педагогик сезгиси, муомала маданияти, касбий, ахлоқий (этика) маданияти, ташқи кўриниш маданияти, педагогик маҳорати кабиларнинг педагогик маданиятни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются некоторые стороны формирования педагогической и профессиональной культуры при обучении и воспитании военнослужащих. Особое значение придается роли формирования педагогической культуры в обучении военнослужащих профессиональному мышлению, культуре речи, служебной этике педагогическому чутью, культуре общения, профессионально – нравственной культуре, культуре внешнего вида, педагогическому мастерству.

SUMMARY

The article deals with some issues of forming pedagogical and professional culture in teaching military people. The author pays much attention to the role of pedagogical culture in teaching military people professional thinking, culture of speech, service ethics, pedagogical intuition, communication culture, professional-moral culture, culture of appearance and pedagogical skill.